



“ 09 ” 04 2021 у. № 01/07-18-547

Давлат иштирокидаги
корхоналар раҳбарларига
(рўйхат бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли Фармонининг (кейинги ўринларда - Фармон) 2-илоvasи билан **корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган** давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати тасдиқланган.

Фармон ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 январдаги 02-02/1-2357-сон баёни билан хар бир корхона кесимида “Йўл харита”лари тасдиқланган (илова қилинади).

Бундан ташқари, жорий йил 11-25 январь кунлари Фармон доирасида белгиланган вазифларни бажариш, ижро ҳолатини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқилган “Йўл харита”лар ижросини таъминлаш бўйича корхоналар раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида видеоконференц-алоқа воситаси орқали йиғилиш ўтказилган ва корхона раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилган.

“Йўл харита”ларида белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини ўз муддатида ва сифатли таъминлаш мақсадида, Сиздан:

бир ҳафта муддатда “Йўл харита”ларида белгиланган вазифаларни жамиятнинг тегишли бошқарув органлари томонидан кўриб чиқилишини;

топшириқни бажариш жараёнида Давактив агентлиги билан доимий равишда бевосита ишлайдиган **1 нафар масъул ходимни** ички буйруқ билан белгиланишини ва бу тўғрисида **уч кун муддатда** Давактив агентлигига маълум қилинишини;

амалга оширилган ишлар тўғрисида **хар ойнинг бешинчи санасига қадар** маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга Давактив агентлигига тақдим этиб борилишини шахсан назоратингизга олишингиз сўралади.

Илова ___ варақда.

Директор


А. Ортиқов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони талабларини “Фонд бозорининг ахборот - ресурс маркази” ДУКда ижросини таъминлаш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТА”

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
1.	“Фонд бозорининг ахборот - ресурс маркази” давлат унитар корхонасининг мулкчилик шаклини ўзгартириш ҳамда мулкий масалаларини ўрганиш.	<p>1. “Фонд бозорининг ахборот - ресурс маркази” ДУКни қайта ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш ва унда қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>“Фонд бозорининг ахборот - ресурс маркази” ДУКни масъулияти чекланган жамиятга айлантириш;</p> <p>янги ташкил этиладиган “Фонд бозорининг ахборот - ресурс маркази” масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари этиб “Тошкент” РФБ (70%) ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (30%) ни белгилаш;</p> <p>“Тошкент” РФБнинг устав капиталидаги давлат улушини Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй манзилдаги бинонинг “Тошкент” РФБга тегишли қисми (кейинги ўринларда - Бино) ва янги ташкил этиладиган “Фонд бозорининг ахборот - ресурс маркази” МЧЖнинг 70% улуши баҳолаш қийматлари ўртасидаги фарқ ҳисобига камайтириш;</p> <p>Бинони Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига бериш.</p>	2021 йил 1 февраль	Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Тошкент” РФБ

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
		2. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил 1 апрель	Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар